ЗАКИРОВА Дилфуза Тулкуновна,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, PhD, тадқиқотчи
E-mail: dilfuza_zakirova89@gmail.com

ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ТАҚИҚЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

THE SYSTEM OF PROHIBITIONS IN SOCIAL RELATIONS AND THEIR SOCIO-ETHICAL FOUNDATIONS

СИСТЕМА ЗАПРЕТОВ В СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЯХ И ИХ СОЦИАЛЬНО-НРАВСТВЕННЫЕ ОСНОВЫ

Аннотация. *Мақолада ислом динида никоҳ, оила ва оилавий муносабатларга, оиланинг моҳияти, жамият тараққиётидаги ўрни, ота-оналар, фарзандларнинг бурчи ва масъулияти, оиладаги ахлоқ, одоб тарбиясига доир масалалар таҳлил қилинди. Шунингдек, ислом ҳуқуқида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний никоҳ оқибатида юзага келиши ҳамда Ўзбекистон қонунчилигида оилани мустаҳкамлашга қаратилган амалий чора тадбирлар илмий таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *оила, никоҳ, ислом ҳуқуқи, шариат, қонун, бурч, мажбурият.*

Abstract. *The article analyzes the issues of marriage, family and family relations in Islam, the essence of the family, its role in the development of society, the duties and responsibilities of parents, children, morality in the family. It also provides a scientific analysis of the rights and obligations of spouses under Islamic law and practical measures to strengthen the family in the legislation of Uzbekistan.*

Key words: *family, marriage, Islamic law, Sharia, law, duty, duty.*

Аннотация. *В статье анализируются вопросы брака, семьи и семейных отношений в исламе, сущность семьи, ее роль в развитии общества, обязанности и ответственность родителей, детей, нравственность в семье. Также дается научный анализ о правах и обязанностях супругов исламском праве, также о практических мерах по укреплению семьи в законодательстве Узбекистана.*

Ключевые слова: *семья, брак, исламское право, шариат, закон, долг, обязанность.*

КИРИШ

Ўзбекистонда оила жамиятнинг асоси деб эътироф этилади. Демак, бундан оила шахсий масала эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлади. Фаровон, бекаму-кўст ва соғлом оилавий муҳитда соғлом авлод вояга етади. Соғлом оила муҳитида шаклланган инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик, хушхулқлик ва бошқа инсоний фазилатлар шахс маънавий баркамоллигини намоён қилувчи сифатлардир.

Соғлом муҳит қарор топган оилалар юрт корига ярайдиган, эл хизматига камарбаста бўла оладиган фарзандларни тарбиялаб, камолга етказишнинг энг асосий омилларидан биридир. Шу боисдан ҳамма млакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур” [15].

АСОСИЙ ҚИСМ

Давлат миқёсидаги масала сифатида оиланинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди ва шу йили 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди. Бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Соғлом оила барпо қилиш учун унинг салохиятини

ва барқарорлигини таъминлаш лозим. ушбу вазифани бажаришда мустақилликнинг илк кунларидан кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан миллий ҳамда маънавий қадриятларимиз асосида ушбу соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган, эътибордан четда қолиб келган муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига энг муҳим ва долзарб вазифалар қўйилди. Мазкур Фармонга биноан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази оила институти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритувчи тизим сифатида ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини Ўзбекистон оилаларини мустаҳкамлаш ғояси атрофида бирлаштириш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш, мамлакатда фақат “соғлом оила – соғлом жамият” устуни бўла олишини аҳоли онгига сингдириш, илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш орқали оила институтини мустаҳкамлаш этиб белгиланган мамлакатимизда бу борада мутлақо янги босқичдаги саъй-ҳаракатлар бошланганидан далолат беради [16].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Барча динларда каби ислом динида ҳам никоҳ, оила ва оилавий муносабатларга, шунингдек, оиланинг моҳияти, жамият тараққиётидаги ўрни, ота-оналар, фарзандларнинг бурчи ва масъулияти, оиладаги ахлоқ, одоб тарбиясига тегишли бир қатор фикрлар билдириб ўтилган. Ушбу масалаларга тегишли бир неча шартлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу шартларга биноан инсоннинг оила, ота-она, фарзандлари олдида маъсулиятини ва аҳлоқий нормаларни белгилаб берилади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида оилада маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда диний мерос ва миллий қадриятларнинг ўрни жуда катта аҳамият касб этади. Жамиятда содир бўлаётган жараёнларда диннинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда, чунки дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳроқибат ўрнатишда катта хизмат қилмоғи лозим» [13:8].

Никоҳга киришаётган ёшларнинг ота-оналик бурчи масъулиятини оширишда, оилани мустаҳкамлашда ислом маърифатининг ўрни катта. Ахлоқий қадриятларни ёшлар онги ва шуурига сингдириб боришда дастлабки пойдевор – халқимизнинг азалий удумлари ҳамда оила ва оилавий муносабатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс маънавияти унинг дунёқараши, тасаввур ва эътиқодлари ислом ахлоқий қадриятларимизга хос илк тушунчалар асосан оила муҳитида таркиб топишини эътиборга олган ҳолда, асосий тарбия маскани сифатида оила тарбиясига алоҳида урғу бериш долзарб вазифаларидан биридир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Никоҳ ва оила институти ислом ҳуқуқига асосланган ижтимоий муносабатларида инсон жамияти барқарорлигини таъминловчи муҳим ҳуқуқий ва ахлоқий механизмлардан бири ҳисобланади. У насабнинг сақланиши, ижтимоий муносабатларда қариндошлик ва ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш каби мақсадларга хизмат қилади. Ислом манбаларида никоҳнинг аҳамияти ҳақида кўплаб ҳадислар келтирилган. Масалан, Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Тўрт хислат пайғамбарлар суннатларидандир: ҳаё, атир ишлатиш, мисвокдан фойдаланиш ва никоҳ” [17].

«Никоҳ оиланинг асосини ташкил қилгани учун ҳам уни тузиш ҳамма вақт ва ҳар қандай даврда, аввало дин томонидан, ундан кейин давлат ва жамият томонидан алоҳида эътиборга молик бўлган ҳамда унинг назоратида бўлиб, муҳофаза қилинган» [10:14].

Ислом ҳуқуқида никоҳ муқаддас, оила эса бузилмас деб эътироф этилади, эркак билан

ISSN 2181-9572

аёл ўртасидаги боғланиш муқаддаслиги ҳимоя қилинган. Шу сабабдан ҳам, ислом ҳуқуқида эркак билан аёлнинг никоҳсиз яшашига йўл қўйилмаган. Бу ҳол мусулмонларни никоҳ ва оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлишдан қайтарган.

“Оила” сўзининг луғавий маъноси эгарни уловга мустаҳкамловчи тасмани «айил» деб аташгани ва эр-хотинлик муносабатлари пайдо бўла бошлагач, уларнинг жипслигини «айла», яъни «айл» оила тарзида ифодалаб номлаганлар [11:44]. Шунингдек, оила арабча «аёлманд» маъноларини англатувчи «оила» сўзидан келиб чиққан [12:11]. Умуман «оила» икки жинс вакилларининг ўзаро қўшилиши натижасида юзага келган ижтимоий бутунликни англатган.

Никоҳ барча даврларда оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оиланинг давлат ва жамоатчилик томонидан расмий тан олиниши бўлиб, барча диний таълимотларда, унинг шакли ва мақсадларига жиддий муносабатда бўлинган [9].

Ислом ҳуқуқи тизимида никоҳ тузиш фақатгина эркак ёки аёлнинг хоҳиши етарли эмас. Никоҳ муносабатларига кришиш учун шариатда бир қатор ҳуқуқий ва ахлоқий шартлар белгиланган бўлиб, ушбу шартларга тўлиқ ва қатъий риоя этиш никоҳнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри деб топилиши ҳамда оилада ахлоқий муносабатларнинг барқарорлиги ва бардавомлигини таъминлайди.

Бу борада “мавоне” (никоҳга монелик қилувчи омиллар) деб аталувчи масалага кенгроқ ёритиб ўтиш лозим. Унда никоҳланиш мумкин бўлмаган ҳолат насаб, қудачилик ва эмикдошлик фактлари асосида вужудга келади. Насаб жиҳатидан никоҳга олинувчи аёлнинг яқин қариндош бўлмаслиги, эмишганлик жиҳатлари эътиборга олинади.

Шу билан биргаликда никоҳланувчиларнинг муомала лаёқати (никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси руҳияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз бўлса ҳам никоҳни қайд этиш мумкин эмас) [2:121] ва никоҳ ёши ҳам мухим ўрин эгаллайди. Бу ҳолатда муомала лаёқати инсоннинг ақлий соғломлиги асосида баҳоланади. Шариат манбаларда “ақли норасолик” тушунчаси аниқ таърифланмаган бўлса-да, фиқҳий манбаларда у ақлий заифлик, руҳий хасталик, исрофгарчилик, уйқучанлик, хотиранинг ўта заифлиги ҳамда онг ёки ҳушни йўқотишга сабаб бўладиган касаллик ҳолатларини ўз ичига олади.

Никоҳ тузиш истагида бўлган шахслардан бирида ақлий норасолик белгилари мавжуд бўлса, никоҳ қонуний кучга эга бўлмайди. Агар никоҳ тузилгандан сўнг эр ёки хотин ақлий лаёқатини йўқотса ва бу ҳолат тиббий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланса, никоҳни бекор қилиш имкони мавжуд [3:218]. Унинг аломати сифатида инсоннинг фарзандли бўла олиш қобилияти билан белгиланади. Агар бу борада табиий белги кўринмаса, ёш орқали муомала лаёқати аниқланади. «Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ бу фарзанд туғилишини қонунлаштириш мақсадида тузилган ўзига хос хусусий битимдир» [4:121].

Агар вояга етмаган қиз валий (яқин) ларидан бошқа киши томонидан никоҳланса, вояга етгач, никоҳни даъво йўли билан бекор қилиши мумкин. Никоҳнинг ўзаро розилик ва ошкоралик асосида бўлиши ҳам исломдаги қонун қоидаларнинг инсон манфаати йўлида хизмат қилаётганини кўришимиз мумкин. Ислом фиқҳида бу масала балоғатга етмаганларнинг никоҳга киришишининг олдини олиш, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда оилани қуриш учун маълум ҳаётий тажриба, жисмоний ва маънавий етуклик талаб қилинишини эътиборга олган ҳолда, ҳанафийликда никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Маълумки, никоҳ ёши масаласи бўйича миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун жуда кўп фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бўлди. Асосан никоҳ ёшини эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун қатъий равишда 18 ёш этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлар берилди. Бу таклифларнинг юзага келишига: никоҳланувчиларнинг кўпчилиги физиологик ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ ривожланиб етилмаганликлари; ўғил-қизларнинг айни 17-18 ёшлик даври таълим вақтига тўғри келиши;

шунингдек, 17-18 ёшдагилар оила қуриш учун ҳам тайёр эмасликлари; маълум касб-ҳунар эгаллашлари зарурлиги асос қилинди.

Шунингдек, ислом ҳуқуқида никоҳланувчилар ўртасида белгиланган муддатга ёки вақтга келишган холда тузиладиган никоҳ турлари ҳам тақиқланган. Ҳанафий мазҳабига кўра "мутъа" яъни вақтинча, бирор муддат учун белгиланган никоҳ, масалан никоҳ 1 йил ёки 2 йил муддатга тузилса ҳам тақиқланади.

Ислом ҳуқуқида никоҳга рухсат берилмайдиган энг муҳим омиллардан бу ***"ал-*** муҳаррамот мин ан-нисо" – уйланиш мумкин бўлмаган аёллар бўлиб, икки қисмга бўлинади [3:121]: 1) Умуман уйланиш тақиқланган аёллар; 2) Муайян сабабга кўра уйланиш тақиқланган, унга монелик қилувчи сабаб кетсагина уйланиш мумкин бўлган аёллар. Биринчи қисм ҳам, ўз навбатида уч тоифага бўлинади: 1. Насаб – туғишганлик сабабли уйланиш мумкин бўлмаган аёллар, 2. Қудачилик сабабидан никоҳи тақиқланган аёллар, 3. Эмикдошлик сабабли никоҳланиш мумкин бўлмаган аёллар.

Ушбу уйланиш тақиқланган аёллар тоифаси Қуръон, сунна ва ижмо орқали тартибга солинган. Ҳадисда бу борада: *"Насаб жиҳатидан (уйланиш) тақиқлаган (аёллар) эмишганлик жиҳатидан ҳам* тақиқлангандир" [11:399] деганлар.

Назаримизда, ислом ҳуқуқи нормаларида бундай никоҳларнинг тақиқланиши, ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назардан, замонавий тиббиёт фани хулосалари билан ҳамоҳангдир. Бу турдаги никоҳлар натижасида ногирон фарзандларнинг дунёга келиши кузатилган. Илмий тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод ҳам шунчалик соғлом бўлади.

Иккинчи қисм – муайян сабабга кўра, уйланиш тақиқланган аёллар таснифига қуйидагилар киритилган: 1. Бир киши бир вақтнинг ўзида опа-сингилни, жиян билан амма-холаларни никоҳига олиши мумкин эмас. 2. Талоқ ёки эри вафот этиши сабабли идда муддатида ўтирган аёлга токи унинг иддаси тугамагунича никоҳланилмайди. 3. Аҳли китоб бўлмаган аёлларга ҳам уйланиш мумкин эмас. Агар улар ислом динини қабул қилсалар, уйланиш жоиз бўлади [1]. (Мусулмон аёл фақат мусулмонга турмушга чиқиши мумкин) [8:288]. 4. Бировнинг никоҳида бўлган аёлларга уйланиш мумкин эмас.

Шунингдек, баъзи ҳолатларда ҳам никоҳ тузиш манъ этилади, яъни, агар эркак ва аёл эҳром кийган бўлса; Эри уч марта ажрашиш (талоқ) эълон қилган хотин билан қайта никоҳланиш, токи у бошқа турмуш қуриб ажрашмагунча жоиз эмас [8:342].

Таъкидлаш жоизки, ислом ҳуқуқи тизимида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат никоҳ натижасида ҳуқуқий кучга эга бўлади. Никоҳ тузилишидаги барча ҳуқуқий ва ахлоқий шартлар жамиятда барқарорликни таъминлаш, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ва оила институтининг мустаҳкам пойдеворини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, никоҳ асосида турмуш қуриш ҳар бир мусулмон учун маънавий ва ҳуқуқий масъулиятни англатади. Шу тариқа, никоҳ ислом ҳуқуқида нафақат шахсий муносабатларни тартибга солувчи институт, балки жамият маънавий барқарорлигини таъминловчи асосий омил сифатида баҳоланади.

Шариатда оила-никоҳ масалаларидаги тақиқлар ўта қатъийлиги билан ажралиб туради. Бу тақиқлар ислом асосларини ҳимоя қилиш ва оилада барқарорликни мустахкамлаш мақсадини кўзлайди [8: 343].

ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳазалардан шу хулосага келиш мумкинки, ислом ҳуқуқ тизимида оила ва никоҳ масалаларига оид барча тақиқлар инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлашга йўналтирилган. Исломдаги ҳуқуқий ва ахлоқий тақиқлар жамиятда тинчлик, адолат ва барқарорликни қарор топтириш ҳамда комил шахсни тарбиялаш мақсадида яхлит тизим асосида жорий этилган.

Оила институтининг барқарорлиги ва жамиятнинг маънавий пойдевори никоҳ орқали таъминланади. Никоҳ жамиятдаги ҳуқуқий ва ахлоқий асосга эга шартнома

ISSN 2181-9572

бўлиб, у ҳаётда рухсат ва тақиқ чегараларини белгилаш, турмуш қурувчиларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этиш, оила қуриш, инсон ҳаётининг давомийлигини таъминлаш ва келажак авлод тарбияси каби муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / таржима ва тафсир муаллифи А. Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – 35 б.
2. Фатовои Қозихон. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – 218 б.
3. Ал-Марғиноний Бурҳонуддин. Ҳидоя. – Қоҳира: Дор ал-фикр, 1995. – 650–660 б.
4. Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий. Мухтасар ал-Қудурий. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1997. – 90–92 б.
5. Абулқосим Муҳаммад ибн Муҳаммад Самарқандий. Мажмаъ ал-мақсуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001. – 389–398 б.
6. Абу Заҳра Муҳаммад. Ал-Аҳвол аш-шахсия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1957. – 218 б.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадислар тўплами (Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ): 4 жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997. – 3-жилд. – 399 б.
8. Хидоя: комментарий мусульманского права. / Отв. ред., автор вступ. ст. и коммент. проф., д.ю.н. А.Х. Саидов; таржима инглиз тилидан Н.И. Гродеков таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 1-жилд. – 121 б.
9. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 8 б.
10. Муҳамедов Р. Конституция – никоҳ ва оила муносабатларининг ҳуқуқий асоси. – Тошкент: Фан, 2001. – 14 б.
11. Қиличев Ф.Ж. Оила муносабатлари // Ҳаёт ва қонун кутубхонаси. – Тошкент, 1997. – № 1. – 44 б.
12. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 11 б.
13. Деҳқонов М.Р. Исломда оила муносабатлари маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий таҳлили: фалсафа фанлари бўйича диссертация. – Тошкент, 2012.
14. Рахманов Аъзамжон, Рахманов Абдумухтор. Ислом ҳуқуқи. – Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2007. – 288 б.
15. Sud tizimi axborot портали. Оила тинч – юрт тинч // http://old.sud.uz/оила-тинч-юрт-тинч. Мурожаат санаси: 15.12.2025.
16. Xalq so‘zi (XS.UZ). Оила – жамият ва давлат ҳимоясида // https://xs.uz/uzkr/post/oila-zhamiyat-va-davlat-himoyasida. Мурожаат санаси: 15.12.2025.
17. Ahlisunna.uz. Никоҳ ҳақида қирқ ҳадис // https://ahlisunna.uz/nikoh-haqida-qirq-hadis. Мурожаат санаси: 15.12.2025.